# “ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ”

*Илмий-амалий анжуман*

# “ТЕНДЕНЦИЯ СОВРЕМЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ»

*Научно-практическая конференция*

# “IN THE CONDITION OF DEVELOPING AND LIBERILIZATION OF THE ECONOMIC MODERN MANAGEMENT TENDENCIES OF SMALL BUSINESS AND ENTERPRENUERSHIP”

*Scientific-practical conference*




**Республика илмий-амалий анжумани**
**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**
**2018 йил 16-17 апрел**

**Қарши – 2018**

in all members of the human species, that humans begin to speak at roughly around the same age, and that human language learning follows a predictable sequence of developmental steps, Lenneberg hypothesized that human language ability is innate. Modern linguists who share Lenneberg's position use the term *language instinct* to refer to the innateness of language.

Since Lenneberg's contention about the instinctive nature of language is somewhat counter intuitive and not easy to grasp, it might be a good idea to use an analogy to help the reader appreciate its major thrust. Consider the following example. In the course of their lives, human beings master various skills. We can't help developing some skills, such as walking, because walking is part of our natural endowment. Dancing, on the other hand, is something we only learn if we make up our minds to do so. The premise behind Lenneberg's theory is that learning to speak is akin to learning to walk. You can no more teach a child to speak than you can teach a child about taking its first baby steps. Provided the child is exposed to language, a normally developing child will start to speak her mother tongue.

This article poses the question: Why are children facile language learners? Examined in the light of Lenneberg's theory, children's facility with language can be explained as stemming from children's genetic predisposition for language learning. In other words, children learn language quickly and easily, simply because they cannot help it.

But which aspect of language system may be innate? Surely we are not born with the knowledge that a domestic animal with a tail and whiskers is called "*a cat*" or that the plural of nouns is formed with the help of the ending -s.An attempt to answer the question as to which aspects of the language system are congenital was made by an MIT scholar, Noam Chomsky. The theory developed by Chomsky had an enormous impact on the language science community. In the late 1950s and early 1960s when Chomsky's first studies of language acquisition came out, they unleashed violent debates which came to be known as the "linguistic wars." Generations of linguists have been busy testing Chomsky's hypothesis. He is one of the most frequently cited scholars of all time. What are the ideas that stirred this intellectual commotion?

According to Chomsky, children's ease at mastering grammar is all the more surprising given the fact that children's exposure to language is limited. The language children hear is hard to use as a material for inducing grammar rules—it is messy, full of false starts, and interruptions. Chomsky hypothesized that children are quick to master the grammars of their languages, because their capacity to generate grammatically structured speech is innate and because a special grammatical blue print is prewired into children's brains. Having dubbed this grammatical blue print *Universal Grammar*, Chomsky argued that because of the universality of this congenital grammatical blue print, all the world's languages share some universal properties: for instance, a sentence is composed of a noun phrase and a verb phrase.

However, teaching young students a second language is different. When young children learn their second language in a situation of ample input provided by native speakers, naturalistic approaches to language teaching appear more fitting.



## МУНДАРИЖА


| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Махмудов Н.Н. | Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш хамда уларни хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш давр талабидир | 3 |
| 2 | Абдурахмонов Қ.Х. | Инновацион тараққиётда рақамли иқтисодиётни шакллантириш | 5 |
| 3 | Ғуломов С.С. | 2017-2021 йилларда харакатлар стратегиясини сифатли амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновациялар роли | 10 |
| 4 | СидоровВ.А. | Бизнес инноваций: проблема отчуждения труда | 13 |
| 5 | Радулова А.К. | Бюджет европейского союза – сущность, цели, задачи | 17 |


**1-шуъба. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни замонавий бошқарув тенденциялари.**


| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | Гулямов С.С<br>Абдурахманова Г.<br>Шермухамедов О. | Инновационное управление человеческими ресурсами в коммерческих банках | 20 |
| 7 | Кадыров А.М<br>Олимханова Д.А. | Мировой опыт развития сектора ИКТ в возможности его адаптации к условиям Узбекистана | 23 |
| 8 | Хуррамов<br>А.Ф.Туробов Ш.А. | Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида давлатнинг уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини оширишдаги ўрни | 26 |
| 9 | Маматов А.А. | Тадбиркорлик фаолиятида тавакалчилик ва унинг омиллари | 30 |
| 10 | Турсунов И.Э.<br>Гулов М.О.<br>Рузиев Х.Ж. | Управление рисками в сфере предпринима-тельской деятельности | 35 |
| 11 | Хусанова Г.М. | Современные тенденции управления малым бизнесом и частным предпринимательством в условиях либерализации экономики Узбекистана | 39 |
| 12 | Egamberdiyev F.T.<br>Xamidova N.M. | Barqaror iqtisodiy rivojlanishni ta'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning roli | 40 |
| 13 | Навруззода Б.Н. | Туризм бизнесида тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари | 44 |
| 14 | Эргашев Р.Х.<br>Маманазарова Н. | Кичик бизнес корхоналарида махсулот сифати ва уни ракобатбардошликка таъсири | 46 |
| 15 | Кучаров А.<br>Набиева Н. | Ўзбекистон Республикаси йўл-транспорт инфратузилмасини инновацион ривожлантириш | 49 |

ҳисобланади, ва аксинча ноэластик ҳолат юзага келади. Агар нарх-навонинг ўзгариши талабга ҳам, таклифга ҳам таъсир кўрсатмаса, бундай ҳолатда бозор муносабатларини содир бўлиши кутилмайди. Шундай қилиб, эластик талаб шароитида маҳсулотларни сотишдан келган даромад, айрим ҳоларда маълум чегараларда бу маҳсулотларга нархнинг камайиши туфайли кўпайиши мумкин.

Талаб қуйидаги шароитларда кам эластикликка эга:

-Маълум бир маҳсулотни бошқа бир маҳсулот билан алмаштириш имкони умуман йўқ, ёки рақобатчилар йўқ.

-харидорлар нарх-навони ошганлигини сезмай қоладилар.

-харидорлар харид қилишдаги одатларини секин ўзгартирадилар. Бозордаги сотувчилар бошқа товарларни топиш учун кескин ҳаракат қилмайдилар.

-харидорлар нарх-навони ортишини товар сифатини кўтарилиши, инфляция ва бошқаларга боғлиқ деб ҳисоблашади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда такомиллашган бозордаги каби хислат бўлиб, бу ерда тенглашган нарх сотувчининг ва харидорнинг тенглик асосида амалга ошириладиган савдоси натижасида ўрнатилади. Шу билан бир вактда, амалиётда, ҳар қандай олди - сотди жараёни якка индивидларга маълум бир даражадаги самара олиш имконияти билан белгиланади.

Сифат ва талаб функциясидан фойдаланган ҳолда нарх-навони оптималлаштириш бозор иқтисодиёти тамойилларининг муҳим талабларидар биридир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, субъектлар одатда, худди битта товар мавжуд ва фақат унинг нархи ҳақида мулоҳаза бўлиши мумкин деган талабнинг тор моделидан фойдаланадилар. Агар харидор зарур маблағга эга бўлса, у товарни харид қилиши мумкин, акс ҳолда буни амалга ошира олмайди. Амалиётда эса, қоидага кўра товарларнинг ассортимент қаторидан фойдаланилади. Товарлар ассортимент қаторининг турли элементлари сифати бўйича ҳам, нарх-наво бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг ҳисобига ассортимент қаторларини ҳисобга олиши мумкин. Бу ҳолатда талабнинг функцияси бошқача тарзда намоён бўлади. Пулнинг камлиги шароитида, масалан макарон маҳсулотларидан маълум турини харид қилиш ўрнига, бошқа арзон турини харид қилиш мумкин.

Истеъмол маҳсулотлари бўйича ассортимент қаторлари талаб функциясини шаклланишини кўрадиган бўлсак, бу ерда нарх-наво ва сифат ҳар доим ўзгариб туришга эга. Мана шундай шароитда харидор ўзининг пул даромади чекланганлиги ва сифат талаби бўйича маълум товарни танлаши мумкин.

Олиб борилган кузатишлар натижасида шу нарса қайд қилиндики, айрим маҳсулот турлари бўйича таянч нарх нуқталари билан талаб эгрилиги кўрилганда нарх даражаси ҳар доим ҳам харидорларнинг ҳаммаси учун мақбул бўла олмайди.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ

**Кучаров А.-ТДИУ профессори**
**Набиева Н. -ТДИУ магистри**

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда транспорт хизматлари ва унинг муҳим инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига мамлакат транспорт тизимида автомобиль транспорти етакчи мавқега эга. Ҳозирги кунда транспортнинг ушбу тури зиммасига умумий ташилаётган юкларнинг 93 фоиздан, йўловчиларнинг 98 фоиздан кўпроғи, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи, ишлаб чиқариш фондларининг 15 фоизи ва меҳнатда банд бўлганларнинг 4 фоизи тўғри келади[20]. Ҳудудлар ва тармоқлараро кооперацияни, тадбиркорлик ва савдо-сотиқни ривожлантириш, аҳоли ҳаракатчанлиги ва ишчи кучи миграциясини тезкор таъминлашнинг нечоғлик самарали амалга оширилиши автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш бозорининг ривожланишига боғлиқдир. Аммо бугунги кунда автомобиль транспорти тизимида рентабеллик даражасининг пастлиги, унинг аҳоли саломатлиги ва экологияга салбий таъсирининг талаб даражасида эмаслиги, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторларида транспорт харажатлари улушининг юқорилиги, ҳудудларнинг йўл тармоқлари ва инфратузилма объектлари билан нотекис таъминланиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабларини баҳо ва сифат жиҳатдан қондира олмаянти.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан, ... "...шунингдек, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш, йўл инфраструктураси қурилиши ва рекострукциякилинишини жадал давом эттириш , энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш"[21]

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳам бугунги куннинг янги ва самарали фаолияти, яъни "***инновацион фаолият***"дан фойдаланишни бозор иқтисодиётини қонунлари талаб қиляпти. Бу эса, автомобиль транспорт корхоналарининг барча транспорт-логистик жараёнларида янгича ёндашув ва янги усуллар ёрдамида амалга ошириши,

[20]ЎзбекистонРеспубликасиДавлатстатистикақўмитасимаълумотлариасосида
[21]ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг 2017 йил 7 февралдаги "ЎзбекистонРеспубликасиниривожлантиришнинг 2017-2021 йилларгамўлжалланганҲаракатларстратегияситу́ғрисида" гиПФ-4649 сонлифармони

бошқарув кадрларини изланувчанлик, ташаббускорлик ва янгиликка интилувчанлик каби интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишга ундайди.

Автомобиль транспорт корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналишларини қуйидагилар асосида кўришимиз мумкин: инновацион транспорт хизматига бўлган талабни ҳосил қилиш, инвестиция масалаларини ташкил қилиш, ташкилий-ҳуқуқий ва кадрлар масаласи, инновацион транспорт хизматини яратиш ва тижоратлаштириш масалаларини амалга ошириш, самарали инновацион фаолиятни ташкил этиш ва шулар жумласидандир. Юқорида санаб ўтилган ушбу масалаларни амалга оширишда инновацион логистикадан фойдаланишни талаб қилади.

Глобаллашув шароитда замонавий логистика хизматларини такомиллашиб бориши билан бизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёт йўлимизга инновацион фаолиятнинг бир қатор таркибий қисмлари кириб келди. Булар инновация, инновацион маҳсулот, инновацион лойиҳалар, иқтисодий механизмлари, бозорни характерловчи ҳаракат усуллари ва уларни бошқариш, технологиялар трансфери, технологик аудит, инновацион маркетинг, баҳолаш сиёсати, инвестициянинг таҳлилий портфели кабилар бўлиб, уларсиз халқаро иқтисодий тизим принципларини, стратегиясини, бизнес сиёсатини самарали ўзлаштириш имконияти йўқ, албатта. Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланишида транспорт тизими етакчи мавкега эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини юксалтиришда истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсиши бевосита транспорт-коммуникация инфратузилмавий тармоқлари фаолияти самарадор- лигига боғлиқдир.

Транспорт-йўл инфратузилмасини республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1446-сонли қабул қилинган қарорда транспортда юк ташишни самарали ташкил этиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш[22], халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар хил транспорт турлари томонидан хизматлар кўрсатишда туташликни таъминлаш, транзит юк ташиш кўпайишини, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш устувор йўналишлар қилиб белгиланганди.

Бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб транспорт тизимидан самарали фойдаланиш, мультимодал ва интермодал ташувлари-нинг

[22]ЎзбекистонРеспубликасибиринчиПрезидентининг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йиллардамуҳандислик-коммуникациявайўл-транспортинфратузилмасиниривожлантиришвамодернизациялашдастуритўғрисида"гиПҚ-1446-сонлиқарори.



ривожланишини, янги инфратузилма объектларини барпо этишни, яъни юк етказиб бериш нархи ҳамда тезкорлигига кўра уларнинг мақбуллиги таъминланиши зарур.

## ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЗАМОНАВИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

**ҚурбоновА.Б.-ҚарМИИ доценти**
**Бутунов.Ш.Б.-ҚарМИИЎқитувчиси**

Илмий ва амалий инновацион фаолият кўпроқ даражада ижодий жараён бўлади, унинг учун фаросатли қарорларни қабул қилиниши хосдир. Хорижда ижодий жараёнда қарорлар қабул қилишга ҳаракатлар экзистенциал менежмент категориялари билан баён қилиниши тасодифий эмас. Олим, кашфиётчи, инновацион менежерда қарорларнинг катта қисми чуқур онгсиз қилинган жараёнларга асосланган, улар четдан стихияли ва мантиқсиз кўринадилар. Аммо тадқиқотчиларнинг борган сари кўпроғи "ақлий ҳужум", "беихтиёр мулоҳазаларнинг йиғиндиси", "мантиқсиз фикрлар ва кутилмаган фикрлар тўплами" ва бошқалар каби илмий ғояларни ишлаб чиқиш усулларига эътибор қаратадилар. Вазифавий фикрлаш ва қарорлар қабул қилишни креатив ва экзистенциал менежмент ҳақиқат, эҳтиёжлар, бойликлар табиатга нисбатан чуқур дунё қарашлар, эстетик ва маънавий – ахлоқий тасаввурлар билан боғлайди. Ушбу нуктаи назардан қарорлар қабул қилиниши объектнинг индивидуаллиги (бир нарсани иккинчисидан ажратувчи хусусиятларга эгалиги), уни ноёблиги ва кайтарилмаслигини англашдан иборатдир.

Илмий ва амалий инновацион фаолият кўпроқ даражада ижодий жараён бўлади, унинг учун фаросатли қарорларни қабул қилиниши хосдир. Хорижда ижодий жараёнда қарорлар қабул қилишга ҳаракатлар экзистенциал менежмент категориялари билан баён қилиниши тасодифий эмас. Олим, кашфиётчи, инновацион менежерда қарорларнинг катта қисми чуқур онгсиз қилинган жараёнларга асосланган, улар четдан стихияли ва мантиқсиз кўринадилар. Аммо тадқиқотчиларнинг борган сари кўпроғи "ақлий ҳужум", "беихтиёр мулоҳазаларнинг йиғиндиси", "мантиқсиз фикрлар ва кутилмаган фикрлар тўплами" ва бошқалар каби илмий ғояларни ишлаб чиқиш усулларига эътибор қаратадилар. Вазифавий фикрлаш ва қарорлар қабул қилишни креатив ва экзистенциал менежмент ҳақиқат, эҳтиёжлар, бойликлар табиатга нисбатан чуқур дунё қарашлар, эстетик ва маънавий – ахлоқий тасаввурлар билан боғлайди. Ушбу нуктаи назардан қарорлар қабул қилиниши объектнинг индивидуаллиги (бир нарсани иккинчисидан ажратувчи хусусиятларга эгалиги), уни ноёблиги ва кайтарилмаслигини англашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда бошқарув қарорларини қабул қилишда бир қатор замонавий усуллардан фойдаланилмоқда. Мисол учун, "Бенчмаркинг усули" ушбу усулни қўллашдан мақсад, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш, объектнинг ўзидан ривожланган эталон бўлган намунани олиб, ўзига мос бўлган томонларни ўрганилади ва